

Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш

Сайқал берсанг, сомон ҳам гуллайди!!!

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёзлар

2019 йил 28 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4539-сон Қарори билан

2020 йил 1 январдан бошлаб:

Ў **2023 йил 1 январга қадар** Миллий каталог ва Реестрга киритилган ҳунармандлар учун календарь йили давомида ҳунармандчилик маҳсулотларини (ишлар, хизматлар) **сотишдан тушган тушуми 100 млн сўмдан ошган, бироқ 1 млрд.сўмдан кўп бўлмаган миқдори учун** яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан **ягона солиқ тўлов ставкаси 2 фоиз** (ҳозирги кунда 4 фоиз) миқдорида тўланади;

Ў ҳунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича янгидан давлат рўйхатидан ўтишда тўланадиган давлат божи яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун **амалда белгиланган давлат божи миқдорининг 50 фоизи миқдорида** (амалда 100 фоиз) ўрнатилди;

Ў Миллий каталогга киритилган ҳунармандларга **шогирдлар сони бўйича чекловлар бекор қилинди**;

Ў Пенсия жамғармасига белгиланган **ягона ижтимоий тўловнинг 50 фоизини тўлаш тартиби** шаҳарларда рўйхатдан ўтган ва айнан халқ амалий санъати маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоларига ҳам татбиқ этилди (амалда 100 фоиз).

Ў Дастур доирасида имтиёзли кредитлар ажратилиш тартиби

Ў Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасида (ҳозирги кунда 16 фоиз);

Ў 18 ой муддатга ажратилади

Ў базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 бараваридан ошмаган миқдорда (55млн 750 минг сўм)

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан банк кредитлари фоиз ставкаларининг тўртдан бир қисми яъни 25фоизи қоплаб берилади.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қуйидаги йўналишларга олинган кредитлар бўйича компенсация тақдим этилмайди.

- аввал олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш;
- спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- савдо-воситачи ташкилотлар ва умумий овқатланиш корхоналарининг айланма маблағларини шакллантириш;
- савдо объектлари ва умумий овқатланиш объектлари қуришни молиялаштириш;
- таваккалчиликка асосланган қимор ва бошқа ўйинларни ташкил этиш, шунингдек бошқа мақсадлар учун ускуналар харид қилиш.
- кредит тарихи ёмон бўлган, хусусан, тижорат банклари кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлари бор жисмоний ва юридик шахсларга;
- бюджетга тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларга татбиқ этилмайди